



22

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛАГИ МАСАЛАЛАРИ





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕК
ТИЛШУНОСЛИГИ
МАСАЛАЛАРИ

№ 5

Қарши
“Насаф” нашриёти
2015

ЎЗБЕК ТИЛИ ГРАММАТИКАСИДА КАТЕГОРИАЛ ВА НОКАТЕГОРИАЛ МАЊНОЛАРНИНГ ЎЗГАЧА ТАЛҚИНӢ

Мусулманова Н.Р. (ҚарДУ)

Тил бирлиги лисоний қиймати мураккаблигининг объектив асоси мавжуд бўлиб, бу борлиқдаги бирорта нарса ҳам соф ҳолда бўлмаслиги, ҳар бир алоҳида нарсада турли умумийликлар зарралари – хусусийликлари қоришган ҳолда мавжуд бўлиши билан белгиланади. Шакл-кўриниш ва материал хусусияти нарсанинг ўз субстанциал моҳияти кўринишини тўсиб қўядиган даражада яққол намоён бўлиши ҳам мумкин. Бу эса ҳар қандай ҳолда ҳам ташки зоҳирий аломатга таяниб иш кўрувчи эмпирик тилшуносни чалғитадиган ҳолатдир. Шунинг учун маҳсус ақлий, назарий билиш методологияси билан қуролланган тадқиқотчи, бизнинг нуқтаи назаримизча, тилшунос ақлий йўл билан бу «алдамчи» кўринишларни назардан соқит қилиб, нарса моҳиятини англашга уринади.

Нарса субстанцияси текширилаётганда умумийлик ва *моҳият* категориялари аксарият ҳолатларда фарқланмасдан қўлланади. Бу эса тил бирлигининг соф лисоний хоссалари бўлган моҳияти ва умумийликни ажратса олмасликка, уларни қориширишга олиб келади.

Умумийлик бирликнинг лисоний қиймати бўлиб, у моҳиятни ҳам, моҳиятдан ташқаридаги, лекин у билан диалектик алоқадорликда бўлган жиҳатни ҳам қамраб олади. Тилшуносликда фалсафий субстанция ва акциденция, умумийлик ва моҳият категориясининг бундай тушунилиши ҳамда ўрганиш объектига изчил ва тўғри татбиқ этилиши лисоний бирлик табиатини тўлароқ ойдинлаштириш имконини беради. Уни аниқлашда дастлаб нутқ бирлигига қоришиқ ҳолда мавжуд бўлган соф лисоний умумийлик зарраси ва «бегона» мањно фарқланиб, иккинчи босқичда лисоний умумийликдаги моҳият ва ёндош жиҳат ўрганилади.

Грамматик шакл умумий мањноси мураккаб табиатли. Умумий грамматик мањно мураккаб таркибли бўлишининг умумлингвистик қонунияти тилнинг нутқда яхлит воқеланиши, унда турли сатҳ ҳодисаси қоришиб кетишидир.

Нутқий грамматик мањно таркиби категориал, яъни субстанциал, ёндош ва ҳамроҳ мањнодан иборат. Улардан субстанциал – категориал ва ёндош мањно лисоний характерга эга бўлиб, ҳамиша диалектик боғланган, ҳамроҳ мањно эса нутқий табиатлидир.

Категориал маъно грамматик шаклнинг субстанциал моҳияти бўлиб, ёндош маъно категория умумий грамматик маъносида мавжуд ва категориал маъно билан диалектик боғланган лисоний ҳодисадир.

Ёндош маъно аслан қайси сатҳга тегишилигига қараб лексик, морфологик, синтактик, услугубий ва қоришиқ тури фарқланади. Бу эса категориянинг лексик-грамматик, синтактик, услугубий-грамматик каби кўриниши билан боғлиқ.

Ҳамроҳ маъно – категориал маъно билан диалектик боғлиқ бўлмаган матн ва нутқ шароитига боғлиқ равишда юзага чиқадиган маъно. Ҳамроҳ маънонинг ҳам лексик, морфологик, синтактик, услугубий ва қоришиқ ҳамроҳ маъно каби турларини фарқлаш мумкин.

Замон категорияси ўзбек тилида энг кўп шаклли категориядан хисобланади. Унинг асосий уч тури кўплаб ички турларга бўлиниб кетади. Буни ажратиш, ўз-ўзидан замон категориясида лисоний – категориал ва ёндош, нутқий – ҳамроҳ маънони фарқламаслик оқибати. Категориал ва ёндош маъно замон категорияси шаклларини ажратиш учун асос бўлади.

Замон категориясида замон ва майл маъноси диалектик боғлиқликда бўлиб, бири иккинчисизиз юзага чиқмайди. «Майл» маъноси «замон» маъноси учун нокатегориал, аниқроғи, ёндош маъно сифатида яшайди. Майл категорияси учун «замон» маъноси ана шундай қиймат ва аҳамият касб этган. Нутқ жараёнида бу икки тур маънога турли-туман нутқий ҳодисалар ҳамроҳлик килиб, маҳсус методологиясиз уларни ўрганиш тадқиқотчини адаштиради.



Адабиётлар

1. Замонавий ўзбек тили: Морфология/ Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир Ҳ.Ғ.Нематов, Р.Р.Сайфуллаева. ЎзР Олий таълим вазирлиги. –Т.:Мунтоz so‘z, 2008. -468.
2. Мусулманова Н. Грамматик шаклларда категориал, ёндош ва ҳамроҳ маъно (замон ва майл категориялари мисолида) Филол. фан.номз... дис. автореф.-Т.,2007.
3. Шаҳобиддинова Ш. Умумийлик ва хусусийлик диалектикаси ҳамда унинг ўзбек тили морфологиясида акс этиши. Филол. фан. док.... дис. автореф.-Т.,2001.

XI-XII АСР ЁЗМА МАНБАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА УНЛИ ФОНЕМАЛАРНИНГ ЎРНИ

Ниёзова О. (ҚарДУ)

XI-XII асрлардаги араб тилида ёзилган манбаларида ҳам Ўрта Осиё ҳалқлари, жумладан, ўзбек ҳалқи тарихига ва уларнинг тили бўйича илк маълумотлар мавжуд бўлиб, кўпчилиги фан оламида танилган олимларимизнинг илмий-тариҳий меросларида ўз аксини топган.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилининг тарихий фонетикаси бўйича баъзи тадқиқотларда муҳим маълумотлар мавжуд. Шунингдек, ёзма манбаларнинг фонетик хусусиятларини ўрганиш бўйича баъзи бир ишлар амалга оширилган. Мақоламизда XI-XIV асрлар биринчи ярми ўзбек ёзма адабий тилининг фонетик хусусиятларини белгилашда кўрсатилган ёзма манбалар матнини умумлаштириб, шу жараёнда амалга оширилган тадқиқотлар ҳам инобатга олиниб баъзи бир мулоҳазалар билдирилди. Чунончи, **унли фонемалар бўйича** қуйидаги фикр мулоҳазаларни қайд этмоқчимиз: умумтуркий тилнинг XI-XII асрлар тилида ҳам қадимги туркий тилдаги унлилар сақланган. Жумладан, бу давр (XI-XII асрлар) ёдгорликларида ҳам тил олди ә, ё, ү, и ва тил орқа **а, о, у, ы** фонемалар кузатилади. Булардан 4 таси (**о, у, ё, ү**) лабланган ва 4 таси (**а, ә, ы, и**) лабланмаган фонемалар саналади. Умуман, унлиларнинг ана **шу** таснифига кўра XI-XII асрлар тилида 8 унли мавжуд деб белгиланди. Кейинроқ XIII-XIV асрлардан бошлаб тил олди лабланмаган (**ә**) унли фонемасининг варианти сифатида тил олди, ўрта кенг, лабланмаган э(ә)унлиси ҳам сўзнинг олд бўғинида вужудга келади **ва** тил орқа лабланмаган кенг унли **а** фонемасининг варианти сифатида тил орқа кенг унлиси **å(o)** фонемаси ҳам (хозирги о унлисига яқин)



МУНДАРИЖА

Алимов Т. Ҳозирги замон инглиз тилида эганинг структуравий ва семантик турлари.....	3
Алимов Т.А., Амирқулов Д., Амирқулова Н. Инглиз тилида ёзма ва нутқ фаолиятини ўстиришда педагогик методиканинг роли	5
Алиқулов А. F. Ўзбек тили ел-ёғин отлари системасининг ўзига хос хусусиятлари.....	8
Амирова З. Инглиз тилини ўқитишида таълим технологияси.....	12
Амирқулова Н. А. Ҳозирги замон инглиз тилида ўтимлилик категорияси.....	14
Бозорова Д., Келдиёрова В. Ўзбек тилида сўз вариантлари хусусида баъзи мулоҳазалар	17
Валиев Т. Тилда полифункционаллик талқинига доир.....	19
Жабборов X., Маҳмудова Ф. Академик лицей талабаларининг тафаккурини ўстириш устида ишлаш	23
Жабборов X. Дехқончилик лексикасида арабча ўзлашмалар.....	25
Жабборов Э., Дониев А. Узумчилик лексикасида сўз ясалиш ҳодисаси....	28
Жумаев Т. Кўк сўзининг этиологияси ҳакида.....	30
Жумаев Т. Оқ сифатининг этиологияси.....	32
Ишанова С. Передача паремиологии и фразеологических единиц.....	35
Кенжав Т., Шерқулов С. Изоҳли лугатда от сўз туркумига мансуб сўзларнинг изоҳланиши ва ўқувчиларга ўргатиш.....	37
Маманова А., Жабборов Э. Бадий матнда антонимларнинг лингвопоэтик хусусияти.....	39
Марқаев К. Этник номлар таснифига доир	42
Марқаев Я. Замонавий тилшуносликда неологизм тушунчasi	45
Мусулманова Н. Р. Ўзбек тили грамматикасида категориал ва нокатериал маъноларнинг ўзгача талқини.....	50
Ниёзова О. XI-XII аср ёзма манбаларининг шаклланишида унли фонемаларнинг ўрни	52
Ўринова О., Ниязова М. Уч бўлакли мажхул нисбатни функционал тадқиқ этиш тарзи	54
Норов А. Ўзбек тилшунослигида компьютер лингвистикасига оид илмий тадқиқотларнинг талқини	57
Ортиқова Э., Тоҷиева Г.Н. Атов бирликларининг семантик деривацияси	60
Очилова Ю., Муртазаев Э. Интерфаол таълим ва унинг дидактик имкониятлари.....	63
Раҳимова М. Немис ва ўзбек тилларининг фонотактик хусусиятлари.....	66
Раҳимова М. Немис тилидаги фразеологизмларнинг лугатларда берилиши	68